

Иш №1-2301-2202/533
Маърузачи судья Х.Бердикличев

Биринчи инстанция судида раислик
қилган судья М.Байниязов

Кассация инстанциясидамаърузачи судья
С.Давлетмуратов

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ
БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

2024 йил 27 ноябрь

Нукус шаҳри

Қорақалпоғистон Республикаси судининг жиноят ишлари бўйича
судлов ҳайъати қуйидаги таркибда:

раислик қилувчи – ушбу суднинг раиси К.Тарихов,

ҳайъат аъзолари – ушбу суд раисининг ўринбосари А.Адилов ва судья
Х.Бердикличев,

судья катта ёрдамчиси Б.Арисовнинг котиблигида,

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи
Б.Урумбаев,

судланган Т.Мамутов ва унинг ҳимоячиси адвокат М.Бердимуратов,

жабрланувчи Х.Ахмедов ва унинг вакили адвокат М.Матякубовнинг
иштирокида,

жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг 2023 йил 9 февралдаги
хукми ва Қорақалпоғистон Республикаси суди жиноят ишлари бўйича судлов
ҳайъати кассация инстанциясининг 2024 йил 23 июлдаги ажрими устидан
жабрланувчи Х.Ахмедов ва унинг вакили адвокат М.Матякубов томонидан
берилган шикоятга асосан жиноят ишини тафтиш тартибида очиқ суд
мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг 2023 йил 9 февралдаги
хукмига кўра,

Мамутов Тимур Аминбаевич, 1980 йил 11 июль кун
Нукус шаҳрида туғилган, Ўзбекистон фуқароси,
миллати қорақалпоқ, маълумоти ўрта-махсус, “Нукус
халқаро аэропорти” МЧЖ СОБ бўлимида назоратчи,
оилали, 5 нафар фарзанди бор, судланмаган, Нукус
шаҳри, Собир Камалов кўчаси, 27-уй, 15-хонадонда
рўйхатда туриб, Нукус шаҳри, Кебир овул элати,
Шодлик кўчаси, 1-уйда яшовчи, иш бўйича гаров
эҳтиёт чораси қўлланганга

Хужжат имзоланган: БЕРДИКЛИЧЕВ ХАМРА ЖАХАНГИРОВИЧ, 02.12.2024



Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан иш ҳақининг 10 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Р.Реймуллаевадан жабрланувчи А.Досимбетовнинг фойдасига 170.953.000 сўм, жабрланувчи Д.Баймағамбетованинг фойдасига 89.428.200 сўм, жабрланувчи А.Жусипбекованинг фойдасига 35.000.000 сўм, жабрланувчи Х.Ахмедовнинг фойдасига 230.000.000 сўм, жабрланувчи Р.Исмайловнинг фойдасига 45.000.000 сўм, жабрланувчи Ф.Бекмуратованинг фойдасига 31.800.000 сўм, жабрланувчи Т.Курбанбаеванинг фойдасига 40.000.000 сўм, жабрланувчи К.Кутлимуратовнинг фойдасига 62.000.000 сўм моддий зарарлар ундирилиши белгиланган.

Р.Реймуллаева ва Т.Мамутовлардан солидар тартибда жабрланувчи Д.Баймағамбетованинг фойдасига 15.314.790 сўмлик моддий зарарлар ундирилиши белгиланган.

Иш бўйича жабрланувчи Г.Жуманова ҳам Н.Бердимуратовага судланувчи Р.Реймуллаева томонидан етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлиги инобатга олинган.

АКИБ “Ипотекабанк” Қорақалпоғистон Республикаси филиали томонидан ажратилган 150.000.000 сўм миқдоридаги кредит маблағлари тўлиқ қопланганлиги инобатга олинган.

Жабрланувчи А.Досимбетовга судланувчи томонидан етказилган бошқа зарарлар юзасидан фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида иш юритиш ҳуқуқи бор эканлиги тушунтирилган.

Қорақалпоғистон Республикаси суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2024 йил 23 июль кунги ажрими билан жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар суди 2023 йил 9 февралдаги ҳукмининг Т.Мамутовга нисбатан қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи Т.Мамутов турмуш ўртоғи Р.Реймуллаева билан олдиндан жинойий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мол-мулкини кўлга киритиб, осон йўллар билан бойлик орттириш мақсадида таниши Д.Баймағамбетованинг ишончига кириб, унга “Ҳамкор банкдаги 100.000.000 сўмлик кредитимизни ёпиш учун олдинги берган пулингиз етмай қолди, шунинг учун яна пул бериб тулинг, бўлмаса кредитимиз ҳал бўлмаслиги мумкин” деб айтиб, уни алдаб, 2020 йил 8 август куни Нукус шаҳри, Нуржайна кўчаси, 19-уйда 1.500 АҚШ доллари (1 АҚШ доллари Ўзбекистон сўмига нисбатан қиймати 10.209,86 сўм, $1 \times 10.209,86 = 15.314.790$ сўм) миқдорида пуллари олиб, ўз манфаатларига ишлатиб юбориб, жабрланувчи Д.Баймағамбетовага жами 15.314.790 сўм миқдоридаги моддий зарар етказган.

Т.Мамутов юқоридаги ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” бандида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилган.



Т.Мамутовнинг айбидан унинг турмуш ўртоғи Р.Реймуллаева билан олдиндан жиноий равишда тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, фуқаро Х.Ахмедовнинг қизи Д.Юнусованинг номида бўлган Нукус шаҳри, “Саманбай” МФЙ, Қалекеев кўчаси, 15-уйда жойлашган Халққа хизмат кўрсатиш маркази иморатини сотмоқчи эканлигидан хабар топиб, унга “ушбу иморатингни сотиб оламиз деб айтиб, унинг билан 130.000.000 сўмга келишиб, лекин “Ипотека банкдан кредит чиқараяпмиз, шу сабабли ушбу иморатни гаровга қўйиб, кредит чиққандан кейин сизга пулини тўлаб берамиз” деган важларни айтиб, уни қизиқтириб, ишончига кириб, 2020 йил 18 март куни Халққа хизмат кўрсатиш маркази иморати ҳужжатларини олиб, 2020 йил 25 декабрь куни “Ипотека” банки билан 7534/2342/2020-сонли кредит шартномасини тузиб, кредит таъминоти сифатида Х.Ахмедовнинг қизи Д.Юнусованинг номида бўлган шу иморатини ўзаро 187.500.000 сўмга баҳолаб, гаровга қўйиб, 150.000.000 сўм миқдорида кредит чиқариб олиб, фуқаро Х.Ахмедовга келишилган 130.000.000 сўм пулларини бермасдан, ўз манфаатларига ишлатиб юбориб, Х.Ахмедовга 130.000.000 сўм кўп миқдорда моддий зарар етказганликдаги эпизоди;

бундан ташқари, Т.Мамутов турмуш ўртоғи Р.Реймуллаева таниши Х.Ахмедовга “сизнинг пулларингизни қайтариб бериш учун банкдан 300.000.000 сўм миқдорида кредит чиқараяпмиз, лекин олдинги кредитлеримизни ёпмасак, кредит бермас экан, шунинг учун кредитларимизни ёпиб ташлаш учун пул бериб тулинг, кредит чиққандан сўнг барча пулларингизни қайтариб берамиз” деган важларни айтиб, унинг ишончига кириб, алдаб, 2021 йил апрель ойидан 2021 йил октябрь ойига қадар бўлган ораликда Нукус шаҳри, С.Камалов кўчаси, 27-уй, 15-хонадонда бўлиб-бўлиб, давомли равишда жами 100.000.000 сўм миқдорида пулларини олиб, ўз манфаатларига ишлатиб юбориб, жабрланувчи Х.Ахмедовга 100.000.000 сўм кўп миқдорда моддий зарар етказганликдаги эпизоди чиқарилган.

Жабрланувчи Х.Ахмедов вакили адвокат М.Матякубов билан биргаликда берган тафтиш тартибидаги шикоятда жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг 2023 йил 9 февраль кунги ҳукмига ва Қорақалпоғистон Республикаси судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг кассация инстанциясининг 2024 йил 23 июль кунги ажримига ўзгартириш киритиб, ўзига етказилган 230.000.000 сўм моддий зарарни “судланган Р.Реймуллаева ва Т.Мамутовлардан ўзининг фойдасига солидар тартибда ундирилсин” деб ёзиб, ўзгариш киритиш ҳақида ажрим чиқаришни сўраган.

Судлов ҳайъати иш бўйича судья Х.Бердикличевнинг маърузасини, прокурор Б.Урумбаевнинг иш юзасидан қонуний қарор қабул қилиш ҳақидаги, судланган Т.Мамутов ва унинг адвокати М.Бердимуратовнинг шикоятни рад қилиб, суд қарорларини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги, Х.Ахмедов ва унинг адвокати М.Матякубовнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятдаги важларни иш ҳужжатлари билан



бирга текшириб чиқиб ва уларга баҳо бериб, кўйидагиларга асосан биринчи инстанция судининг ҳукми ва кассация инстанциясининг ажримини ўзгаришсиз, тафтиш тартибида берилган шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Биринчи инстанция суди томонидан иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текширилиб, ишнинг ҳақиқий ҳолатлари аниқланиб, судланган Т.Мамутовнинг жиноий ҳаракатлари ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 11-моддасида прокурор, терговчи, суриштирувчи, ҳимоячи, шунингдек жиноят ишини юритишда иштирок этувчи барча шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига аниқ риоя этишлари ва уларнинг талабларини бажаришлари шартлиги, 22-моддасида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шартлиги, 23-моддасида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт бўлмасдан, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги кўрсатилган.

Тафтиш инстанцияси суд мажлисида жабрланувчи Х.Ахмедов уни дастлаб Реймуллаева Рахатай билан учраштирган шу Мамутов Тимур эканлиги, Т.Мамутов унга “бу менинг турмуш ўртоғим, ишонавер, мен ўзим кафил бўламан” деб айтиб, тилхатлар бериб, ҳамма жойда қатнашгани, тергов давомида иккиси бирга қилган бўлиб келиб, лекин судга келиб фақат Р.Реймуллаева бўлиб кетиб қолгани, Тимурнинг ўзи берган тилхати борлиги, унда “мен кафилман, қўрқма” деб ёзиб бергани, у бошида Р.Реймуллаевани умуман танимагани, Тимурнинг хотини эканлигини бориб билгани, шунинг ҳаммасига сабабчи бўлган шу Тимур эканлиги, Тимур унинг қўлидан ушлаб хотинининг олдига олиб боргани, у шунинг учун пулларни Тимур билан Рахатайдан солидар тартибда ундиришни сўраётгани, Р.Реймуллаева кейин қамалиб кетгани, унинг пуллари хали ундирилмагани, ўртада нима бўлган бўлса, учови бирга бўлгани, келишган вақтда ҳам, пулни олди-берди қилган вақтда ҳам Т.Мамутов Р.Реймуллаеванинг ёнида бор бўлгани, шунинг учун пулларини Р.Реймуллаева билан Т.Мамутовдан тенг солидар тартибда ундириб беришни сўраши ҳақида баён қилди.

Тафтиш инстанцияси суд мажлисида судланган Т.Мамутов Х.Ахмедовни фақат турмуш ўртоғи Р.Реймуллаева билан таништириб кетгани, қолган тарафига аралашмагани, кейин улар нотариусга, банкка боришгани, 100 млн сўм берган эпизодидан умуман хабари йўқлиги, турмуш



ўртоғининг бизнесига аралашмагани, ўзи ишдаги одам эканлиги, фақат бўш вақтида олиб бор деган жойларига олиб бориб юргани, тилхат бўйича ўзининг бошида имзо қўймайман дегани, лекин хотини қўйиб бер илтимос, тўлаймиз деб Х.Ахмедов билан ялинганидан сўнг тилхат ёзиб бергани ҳақида баён қилди.

Судлов ҳайъати биринчи инстанция суди томонидан Т.Мамутовнинг ҳаракатларидаги жабрланувчи Х.Ахмедовга 130.000.000 сўм кўп миқдордаги, Х.Ахмедовга 100.000.000 сўм кўп миқдордаги пулларни алдаб олиб, моддий зарар етказганликда айби йўқлиги ва шу сабабли ушбу эпизодларни унинг айбидан чиқариш ҳақида тўғри хулосага келинган деб ҳисоблайди.

Шу сабабли, судлов ҳайъати жабрланувчи Х.Ахмедовнинг етказилган жами 230.000.000 сўм моддий зарарни судланган Р.Реймуллаева ва Т.Мамутовлардан жабрланувчи Х.Ахмедовнинг фойдасига солидар тартибда ундириб беришни сўраган важлари билан келишмади.

Судлов ҳайъати биринчи инстанция суди томонидан судланувчи Т.Мамутовнинг хатти-ҳаракатларига ҳар томонлама баҳо берилиб, жиноят иши бўйича тўпланган далилларга асосланган ҳолда, Т.Мамутовнинг ҳаракатларини тўғри квалификация қилиб, содир этилган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, етказилган моддий зарар қопланганлигини эътиборга олган ҳолда жазо тури ва миқдори тўғри белгиланган ҳамда Х.Ахмедовга етказилган моддий зарар фақат Р.Реймуллаевадан ундирилиши ҳақида асосли хулосага келинган деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 514-моддасида суд ҳукмлари, ажримларини тафтиш тартибида қайта кўриб чиқишда шикоятда ёки протестда оғирроқ жиноят тўғрисидаги қонунни қўллаш зарурлиги ҳақидаги, жазони кучайтириш тўғрисидаги ёки маҳкумнинг аҳволи ёмонлашишига олиб келадиган бошқа ўзгаришлар ҳақидаги масала қўйилган бўлса, суднинг айблов ҳукмини ёхуд ажримини тафтиш тартибида қайта кўриб чиқишга, шунингдек суднинг оқлов ҳукмини ёки ишни тугатиш тўғрисидаги ажримини тафтиш тартибида қайта кўриб чиқишга фақат у қонуний кучга кирганидан кейин бир йил ичида йўл қўйилиши кўрсатилган.

Мазкур жиноят иши юзасидан чиқарилган биринчи инстанция судининг ҳукми 2023 йил 30 май куни қонуний кучга кирган бўлиб, ҳозирда суд қарорининг қонуний кучга кирганидан кейин бир йилдан ортиқ вақт ўтган.

Судлов ҳайъати қонуннинг мазкур талабини ҳам инобатга олади ҳамда юқорида қайд қилинган сабабларга таянган ҳолда судланган Т.Мамутовга нисбатан чиқарилган биринчи инстанция судининг ҳукми ва кассация инстанцияси судининг ажримини, жумладан ишнинг фуқаровий даъво ва мулкий ундирув қисмига ўзгартириш киритиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.



Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси
521³, 521⁴ ва 521⁶-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати

а ж р и м қ и л д и :

жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг 2023 йил 9 февраль кунги Мамутов Тимур Аминбаевичга оид ҳукми ва Қорақалпоғистон Республикаси суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2024 йил 23 июль кунги ажрими ўзгаришсиз қолдирилсин.

Жабрланувчи Х.Ахмедов ва унинг вакили адвокат М.Матякубовнинг тафтиш тартибида берган шикоятни қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Мазкур ажрим устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи:	имзо	К.Тарихов
Ҳайъат аъзолари:	имзо	А.Адилов
	имзо	Х.Бердикличев

Ажрим нусхаси аслига тўғри:

судья Х.Бердикличев

